



Жанубий Қозоғистон

janubiy.kz

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 22 октябрь, сешанба, №124 (3470).



ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА

Октябрь ойи ўрталарида жаҳоннинг турли наҳрлари Қозоғистонда юз бераётган жараёнларга алоҳида эътибор қаратди. Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев хорижий сармоялар, бошқа давлатларга юк ташиш ҳажмининг кўпайиши, Люксембург билан янги келишувлар, республика ҳудудидаги энг узун кўприк қурилиши ҳақида маъруза қилди. Қуйида шу ҳақда батафсил маълумот берамиз.

Даруо:

Қозоғистонга 400 миллиард доллар хорижий сармоя

Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев Астана шаҳрида ўтган анжуманда мамлакат раўнақи, демократик тамойиллар асосида амалга оширилаётган сиёсий ислохотлар ҳақида фикр юритиб, давлат томонидан 400 миллиард доллар хорижий сармоя жалб этилганини таъкидлади.

Тўқаев, биринчи навбатда, атом электр станциясини қуриш бўйича яқинда ўтказилган референдум Қозоғистоннинг демократик қадриятларга содиқлигини кўрсатганини айтиб ўтди. Шунингдек, ислохотлар ички барқарорлик ва иқтисодий ўсишни таъминлашни алоҳида таъкидлади.

Шу муносабат билан Қозоғистон бевосита хорижий сармоя сифатида 400 миллиард доллар жалб этгани ва Сармоявий кенгаш раҳбарлигида янги сармоя жараёнини йўлга қўйиш орқали 2029 йилгача кўшимча 150 миллиард доллар жалб этишни режалаштираётгани айтилди.

– Биз сармоядорларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тезкор қарор қабул қилиш мўҳимлигини яхши тушунамиз, – деди Давлат раҳбари.

Муқаддам Қозоғистон Президенти Қасим-Жумарт Тўқаев мамлакат минтақавий сиёсатга содиқлиги ва Марказий Осиёдаги қўшнилари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаётганини таъкидлаган эди. Ҳамкорлик доирасининг кенгайиши минтақанинг барча давлатлари учун фойдали эканини таъкидлаб, давлат раҳбарларининг ҳамкорлиги доирасида кейинги 10 йилда Марказий Осиёда жиддий ўзгаришлар юз берганини қайд этди.

(Давоми 2-бетда.)

ЧЕКЛАНГАН НАРХ УСТИДАН НАЗОРАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Мамлакатда ёнилғи-мойлаш материалларининг чекланган нархини бекор қилиш меъёри ишлаб чиқилди. Бу ҳақда пойтахтда мамлакат иқтисодиётига бағишланган давра суҳбатда ҚР Рақобатни муҳофаза қилиш ва ривожлантириш агентлиги раиси Марат Ҳамраев маълум қилди.

Унинг сўзларига кўра, бунга Марказий Осиё минтақасида ёнилғи бозоридаги мувозанатнинг бузилиши ва арзон нархлар туфайли ёнилғининг Қозоғистондан бошқа давлатларга оқими сабаб бўлган.

“Чекланган нархдан воз кечиш тўғрисида қарор қабул қилинди, бу қарорни ишлаб чиқишда бозорнинг асосий иштирокчиларининг фикри ҳам эътиборга олинди. Бунгача Petrosup компанияси бозорнинг деярли 50 фоизини қамраб олган эди. Бироқ бу активлар “ҚазМунайГаз” таркибига қайтарилди. Ҳозир ёнилғи-мойлаш бозорининг 80 фоизи давлат назоратида, – деди М. Ҳамраев.

Унинг сўзларига кўра, бу давлат томонидан ёнилғи-мойлаш нархининг чекланган даражасини сошлашни қисқартириш борасида мўҳим қадамдир.

– Ҳозир монополияга қарши қонунчилик бузилишининг олдини олиш учун йирик тармоқлар билан ишлаш дастаклари ишлаб чиқилмоқда. Нархларни қатъий назорат қилиш босқичма-босқич бекор қилинади, – деди агентлик раҳбари.

24.kz. маълумотлари асосида.

Кун тарихи



23 ОКТАБРЬ – ХАЛҚАРО ҚОР ҚОПЛОНИ КУНИ

ҚОР ҚОПЛОНИ – ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРИНИНГ МИЛЛИЙ РАМЗИ

Бугунги кунда Қозоғистонда 120-130 бош қор қоплони (изоҳли лугатда – илвирс) мавжуд. Бу ҳақда ҚР Экология, геология ва табиий захиралар вазирлиги маълум қилди.

Қор қоплони Марказий Осиё тоғларида, Ҳиндистоннинг шимолий қисмида, Покистон, Байкал ва Тибет минтақасида яшовчи мушуксимонлар оиласига мансуб жониворларнинг бир тури. Туркий ва кўчманчи халқлар учун илвирс миллий рамзлардан бири ҳисобланади. Шу жумладан, қозоқ халқида ҳам.

Қор қоплони энг кўп тарқалган жойларидан бири – Алматы қўриқхонасидир.

24.kz. маълумотлари асосида.



Давлат раҳбари Қасим-Жумарт Тўқаев Астана шаҳрида ўтган “Connected-2024” халқаро анжумани иштирокчиларига йўлаган табригида таълим ва инновациялар соҳасидаги ҳамкорлик мўҳимлигини таъкидлади.

Таълим, фан ва инновациялар, рақамлаштириш ва экология масалалари мўҳокамасига бағишланган тадбирда ҚР Бош вазири ўринбосари Тамара Дуйсенова Президентнинг анжумани иштирокчиларига табригини ўқиб эшиттирди.

“Ҳозирги кунда дунё янги технологиялар ва сунъий заковатнинг жадвал тараққиёти, об-ҳаво ва энергия манбаларининг ўзгариши туфайли улкан муаммоларга дуч келмоқда. Шу билан бирга, давлатларнинг ҳар томонлама ва барқарор тараққиёти учун таълим, илм-фан ва инновация соҳаларида ҳамкорликни ошириш мўҳим аҳамиятга эга. Шу боис Қозоғистон нуфузли хорижий олий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш устида фаол ишламоқда”, дейилади Президент табригида.

Қасим-Жумарт Тўқаев бу қадамлар Қозоғистоннинг илмий ва инновациявий салоҳиятини ошириш учун мустаҳкам асос бўлаётганини таъкидлади.

“Connected-2024 анжумани ушбу мақсадда ўтказилмоқда. Бугунги учрашув олимлар ва мутахассисларнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлашга, таълим ва инсон капиталини ривожлантириш соҳасига янги ёндашувларни очишга замин яратди, деб ўйлайман”, дейилади табригида.

Жорий йилда илк бор ташкил этилган халқаро тадбирга дунёнинг 60 давлатидан 300га яқин халқаро даражадаги эксперт таклиф этилган.

24.kz. маълумотлари асосида.

МОЗИЙГА ҚАЙТИБ ИШ КЎРМОҚ – ХАЙРЛИДИР

ТУРКИСТОНДА ОЧИҚ ОСМОН ОСТИДАГИ АРХЕОЛОГИК БОҒ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

“Култўбе қалъаси” археологик боғи Қозоғистоннинг маданий меросини сақлаш ва оммалаштириш имконини беради. Боғни ривожлантиришнинг ҳар бир босқичи ЮНЕСКО халқаро экспертлари билан келишилган.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди меъморчилик, сайёҳлик ва маданият соҳалари етакчилари ҳамда лойиҳани давом эттириш бўйича ўз ғояларини таклиф этган компаниялар вакиллари билан учрашув ўтказди.

Унда мазкур жой яқинида замонавий сайёҳлик иншоотларини барпо этиш, Қанғли даврига оид ёдгорликни намоиш этиш масалалари мўҳокама қилинди.

Д. Сатибалди ушбу сайёҳлик маскани ҳам саёҳатчилар, ҳам болалар учун жозибали ва аҳамиятли бўлиши кераклигини таъкидлади. Бу ишларни тарихчи ва археологлар билан ҳамкорликда олиб боришни топширди.

Лойиҳанинг давоми сифатида ташриф буюрувчиларга замонавий рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда ўтишга саёҳат қилиш имконини берувчи иншоот барпо этилади. 3D технологиясидан



фойдаланилади. Саёҳатчиларни Қозоғистон тарихи билан таништириш мақсадида Қанғли, Аҳмад Ясавий, Қозоқ хонлиги даврлари ва бошқа тарихий асрларга оид маълумотлар турли йўналишларда тақдим этилади.

Вилоят ҳокими таъкидлаганидек, ҳудуддан топилган археологик ашёлар ҳақида маълумот бериш, қозоқ маданияти ва хунармандчилигидан далолат берувчи асарлар тақдим этиш режалаштирилган. Лойиҳани тадқиқ қилиш ва такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

24.kz. маълумотлари асосида.

БЕКЎС ИМКОНИАТЛАР ДАВРИ

Туркистон вилояти ҳокими Дархан Сатибалди Хитой Халқ Республикасининг ИТ компаниялари вакиллари билан халқаро технопарк ташкил этиш юзасидан мўҳим музокаралар ўтказди.

Музокаралар натижасида қурилиши режалаштирилган технопарк ҳудуднинг иқтисодий ва саноат тараққиётидаги стратегик мўҳим лойиҳаларидан бирига айланади. Лойиҳа дои-

расида электроника, компьютер, электр техникалари, оптик толали кабеллар, маиший техника ва электромобилларни таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш иншоотлари, шунингдек, электромобилларни қувватлантириш станцияларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу орқали Туркистоннинг ИТ соҳасида ўз бренди шаклланади.

Бундан ташқари, технопаркда ушбу маҳсулотларга хизмат

кўрсатиш марказлари, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари ҳам фаолият юритади. Мазкур инновацион марказ вилоятда юқори технологияли саноатни ривожлантиришга хисса қўшиб, маҳаллий мутахассисларни тайёрлашда мўҳим аҳамият касб этади. Технопарк фақат ишлаб чиқариш қувватларини ошириш билан чекланиб қолмай, балки вилоятни янги технологик инновациялар

марказига айлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш, минтақадаги иқтисодий кўрсаткичларни яхшилашга хизмат қилади. Лойиҳа амалга оширилса, янги иш ўринлари яратилади ва маҳаллий аҳоли учун барқарор иқтисодий имкониятлар пайдо бўлади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Обуна-2025

«ЖАНУБИЙ ҚОЗОҒИСТОН» – ДОНО ДЎСТИНГИЗ, ҲАМКОРИНГИЗ!

Қадрли муштарий! 2025 йилнинг биринчи ярим йиллигига даврий нашрларга обуна бошланди.

Мустақиллик билан тенгдош халқ минбари ва овози, фахри саналмиш нашр омма ва давлат ўртасидаги олтин кўприк – доно маслаҳатгўй вазифасини ҳалол

ва виждонан адо этмоқда. Ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Маънавий жиҳатдан юксалиб, камолот сари интилоқ истасангиз, кун сайин вилоят янгиликларидан воқиф бўлмоқни ихтиёр айлаб, оламшумул воқеалардан бохабар бўлай десангиз, ҳеч иккиланмай суюкли «Жанубий Қозоғистон» рўзномасига ёзилинг.

Туркистон вилоятининг «Жанубий Қозоғистон» ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририятидаги рақобатбардош, изланувчан жамоа доим сизларнинг орзунгиздаги жиҳатларга эътибор қаратишга, маънавий хизмат кўрсатишга шай.

6 ойга обуна баҳоси:
«Қазпошта» ХЖ орқали –
Туркистон вилояти бўйича –
3368,00 тенге;
Шимкент шаҳри бўйича –
3415,50 тенге.



АССАМБЛЕЯ МОНИТОРИНГ ГУРУҲИ – САЙРАМДА



Қозоғистон халқи Ассамблеясининг мониторинг гуруҳи Қорабулоқ, Манкент қишлоқлари аҳолиси билан учрашув ўтказди.

Унда Қозоғистон Республикаси Президенти Маъмуриятининг Қозоғистон халқи Ассамблеяси котиби мурири ўринбосари Ғалимжан Махан, ҚР Парламенти сенати депу-

тати Алишер Сотволдиев ва ҚХА Республика этномедиация кенгаши раиси Шерзод Ҳўлатов иштирок этди.

Учрашувни туман ҳоқими ўринбосари Мадияр Алипов,

олиб борди. ҚХАнинг мониторинг гуруҳи аъзолари мамлакат хавфсизлиги, тинчликни сақлаш учун ички барқарорлик ҳамда этник гуруҳлар орасидаги тотувликни мустақамлашнинг аҳамиятига тўхталишди. Шунингдек, этнослараро соҳадаги давлат сиёсатининг асосий устуворликлари ва эришилган ютуқларни алоҳида таъкидлашди.

Очиқ савол-жавоб шаклида ўтган мажлисда жамоат хавфсизлиги ва тинчликни сақлашда қандай ишлар амалга оширилиши муҳимлиги муҳокама қилинди.

Тадбир сўнггида маҳаллий аҳолининг саволларига атрофлича жавоб берилди. Давлат идораларининг этнослараро алоқаларни кучайтириш бўйича дастаклари ва Қозоғистон халқи Ассамблеяси фаолиятининг янги йўналишлари тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯГА ЭЪТИБОР КУЧЛИ

Мамлакатимизда 2023 йили Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хотин-қизлар ишлари ва оилавий-демографик сиёсат миллий комиссияси, Қозоғистон Республикаси ЮНЕСКО ишлари миллий комиссияси, ИСЕКСО қўллаб-қувватлаш чоралари ва Маориф вазирлиги ва ЮНЕСКО ўртасидаги меморандумга мувофиқ, “Қозоғистондаги сифатли жисмоний тарбия” лойиҳаси ишга туширилди.

Унга мувофиқ, Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро ХҚТУда муҳим учрашув ўтди.

Тадбирда таълим соҳаси ходимлари, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари, спорт соҳаси вакиллари, спорт соҳасида таълим оладиган талабалар иштирок этди. Учрашувни Қозоғистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Хотин-қизлар ва оилавий-демографик сиёсат миллий комиссияси раисининг ўринбосари Елена Тарасенко олиб борди. Тадбирда жисмоний тарбия дарсини сифатли ўтиш, ўқувчиларга қулай шароит яратиш йўллари ҳақида фикр алмашилди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.



» Президент Мактуби – амал дастури

АҲОЛИ БАНДЛИГИ – ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ

Фуқаролар, айниқса, қишлоқ аҳолиси қонуний равишда сердаромад иш топиб, келажакни ўзлари ўйлаши керак. Уларни рағбатлантириш – давлатнинг бош вазифаларидан бири.

Қасим-Жўмарт ТўҚАЕВ.
«Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом,
иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик».

Давлат раҳбари жорий йилги «Адолатли Қозоғистон: қонун ва интизом, иқтисодий тараққиёт, ижтимоий неқбинлик» Мактубида қишлоқ хўжалик соҳасига алоҳида эътибор қаратди ва бу қувонарли ҳолдир.

Жорий йилда мамлакатимизда қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш учун 900 миллиард тенге ажратилди. Маблағ ижтимоий, муҳандислик, транспорт инфратузилмасини, жамоат ва экологик хавфсизлиқни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қишлоқларнинг меъморий қиёфасини янгилаш, аҳолининг турмуш маданиятини яхшилаш, деганда, энг аввало, йўллари раvon, ичимли сув, электр энергия, табиий газ билан таъминланган, замонавий боғча, мактаби ва ихчам бўлса-да, шифохонаси бўлган масканлар кўз ўнгимизга келади. Қишлоқ билан туман ёки вилоят маркази орасидаги масофани автобус ёки йўналишли таксилар яқин қилгани, манзилларда мобил алоқа, интернет тармоғи мунтазам ишлаб тургани янада яхши. Ана шундай қулайлик ва ижтимоий иншоотлар фаолияти жамланмаси ҳам замонавий инфратузилма, деган сўзда ўз ифодасини топади.

Вилоят аҳолисининг аксарият қисми қишлоқларда истиқомат қилишини инobatга олсақ, ушбу масалаларнинг моҳияти янада ойдинлашади. Дарҳақиқат, юртимизнинг янада обод бўлиши, халқимиз турмуш фаровонлигининг янада юксалиши, олдимизга қўйган эзгу мақсадларнинг рўёбга чиқиши, энг аввало, қишлоқларимиз тараққиёти билан узвий боғлиқ. Шу боис, қишлоқ аҳли ҳаётини янада юксак босқичга кўтариш, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш долзарб вазифалардан биридир.

Давлатимиз раҳбари томонидан «Янги Қозоғистон» гоёси илгари сурилиб, қишлоқдаги муаммоларни ҳал этиш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратила бошлади. Хусусан, аҳолининг шахсий томорқаси ва деҳқон хўжаликлариде қорамоллар сонини кўпайтириш, мазкур соҳадаги сервис хизматлари тармоғини яратиш ва чорвачиликнинг озуқа базасини мустақамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ана шу кенг кўламли ислохотларни янада ривожлантириш мақсадида Тўлебий туманида ҳам аграр соҳани ривожлантириш дастури ишлаб чиқилди. Дастур қишлоқнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, иқтисодиётнинг аграр шўъбаси самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга янги суръат бағишлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий корхоналарни барпо этиш, ёшлар ўртасида бандликни таъминлаш, аҳоли даромадлари ва турмуш сифатини оширишни кўзда тутди. Ушбу дастурда 9 асосий йўналиш бўйича амалга ошириладиган ишлар кўрсатиб ўтилган. Уларда қишлоқларнинг шароитини, ижтимоий-демографик хусусиятларини, жойлардаги маҳаллий қурилиш материаллари ва қурилиш индустриясининг мавжудлигини инobatга олган ҳолда янги уй-жойларнинг, ижтимоий-маданий, санитария-маиший иншоотларнинг янги намунавий лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш кўзда тутилган.

С. ДҮЙСЕБАЕВ,
Тўлебий тумани ҳоқими вазифасини бажарувчи.

ҚОЗОҒИСТОН ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Trend:

Юлкарни ташшга талаб 3,5 баравар ошди

2024 йилнинг учинчи чорагида АТИ.SU халқаро биржа платформасида Қозоғистондан бошқа давлатларга юк ташш бўйича талаб 3,5 баравардан ошди.

“2024 йилнинг учинчи чорагида АТИ.SU платформасида Қозоғистондан ташқари бошқа давлатларга юк ташш бўйича талаб 262 фоизга ошди. Россия ва Беларусь икки асосий экспорт йўналиши бўлиб, жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Масалан, Россияга юк ташш бўйича талаб бир йил ичида 263 фоизга, иккинчи чоракка нисбатан эса 218 фоизга ошган. Ҳисоботда айтилишича, Беларусь Республикасига юк етказиб бериш бир йил ичида 641 фоизга етган”, дейилади хабарда.

Anadolu:

Қозоғистон ва Люксембург иқтисодий муносабатларни яхшилаш ниятида

Қозоғистон Бош вазири ўринбосари, Ташқи ишлар вазири Мурат Нуртйлеу расмий ташриф билан Люксембургга борди.

Ташриф доирасида Қозоғистон ташқи сиёсат вазири Люксембург Бош вазири Люк Фриден ва Люксембург Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар ва ташқи савдо вазири Ксавье Беттель билан учрашувлар ўтказди.

Унда икки томонлама ҳамкорликнинг асосий масалаларини, шунингдек, молиявий технологиялар, “яшил” энергетика, фармацевтика ва транспорт инфратузилмаси лойиҳалари орқали барқарор тараққиёт йўналишларини муҳокама қилдилар. Иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш ва икки мамлакат ишбилармон доиралари имкониятларини кенгайтириш зарурлиги ҳам қайд этилди.

Томонлар савдо-иқтисодий муносабатларни яхшиладилар, шунингдек, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларида ҳамкорлик ҳамда Қозоғистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ўзаро ҳамкорликка эътибор қаратдилар. Шу билан бирга, халқаро кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

CentralAsia:

15та оғир юк машинаси Қозоғистондаги энг узун кўприкнинг мустақамлигини синовдан ўтказди

Шарқий Қозоғистон вилоятида узунлиги 1316 метр бўлган Буктирма сув омборини кесиб ўтувчи икки қаторли кўприк синовдан муваффақиятли ўтди. Бу ҳақда Қозоғистон Транспорт вазирлигига таяниб CentralAsia хабар берди.

Кўприк мустақамлигини текшириш учун умумий оғирлиги 450 тонна бўлган 15та юк машинасидан фойдаланилди.

24.kz. маълумотлари асосида.

Тўлебий туманидаги 1-Мамир қишлоғида ёшлар ўртасида вилоят “Кўчманчилар ўйини” якунланди.

БАЙДИБЕК ТУМАНИ ЁШЛАРИ ҒОЛИБ

Миллий ўйинни улуғлаш мақсадида уюштирилган нуфузли беллашувда вилоятдан 12та жамоа иштирок этди. Беллашув иштирокчилари спортнинг етти тури бўйича куч синашди. Мусобақа якунларига кўра, жамоавий ҳисобда Байдибек тумани ғолиб, деб топилди. Иккинчи ўринга Тўлебий тумани спортчилари муносиб, деб топилса, Сарпоғоч тумани ёшлари энг кучли учликни якунлади. “Кўчманчилар ўйинлари”-да энг яхши либос намунаси бўйича – Арис шаҳри, Қазигурт, Саврон туманлари тақдирланса, иштирокчи жамоаларга махсус диплом ҳамда пул мукофотлари топширилди.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.



Сўнгги йилларда мамлакатимизда алоҳида эътибор қаратилиб, давлат даражасида кадр топаётган миллий ўйинимизни оммалаштириш мақсадида Шимкент шаҳрида 2007-2009 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтган ҚР чемпионатида Туркистон терма жамоаси ғалаба қозониб, чемпионликни қўлга киритди.

“МИЛЛИЙ СПОРТ КЛУБИ” – ЧЕМПИОН

Тадбирда вилоятдан 14та жамоа иштирок этди. Финал беллашувда Туркистон ва Шимкент жамоалари куч синашди (ҳисоб 5:3). Таъкидлаш жоизки, ғалабага “Жетисай” миллий спорт клубининг аъзоси, ёш чавандоз, ушбу чемпионатнинг “Энг яхши ҳужумчиси” бўлган ёш пойғачи Ербулат Айтуған салмоқли ҳисса қўшди.

В Бутунжаҳон кўчманчилар ўйинида кўпқаридан ғалаба билан қайтган Қозоғистон миллий жамоаси аъзоси, юрдошимиз Абилайхан Нишанбеков билан бирга Урта Осиё халқлари орасида кенг тарқалган спорт тури билан бугунги кунда туманда 2 мингга яқин фуқаро шуғулланмоқда.

Вилоят ҳоқимининг матбуот хизмати.

» Президент Мактуби – амал дастури

МЕҲНАТНИ ҚАДРЛАГАН ЮРТНИНГ ДАСТУРХОНИ ТЎКИН БЎЛАДИ

Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг жорий йилги Мактуби истиқболимиз учун зарур ва муҳим дастуриламалдир.

Президентимиз унда илк бор оддий меҳнаткашлар фаолиятига кенг тўхтади. Бундан ўта уринли ислохот

деб биламан. Президентнинг: «Асосийси, ҳар бир фуқаро ўз вазифаларини виждонан, чуқур масъулият ҳисси билан бажаради. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида юксакликка эришишининг ягона йўли шу. Халқимиз “Ишнинг кўзини билган, даромад кўзини билади”, деб бежиз айтмаган. Жамиятимизда ҳалол ва масъулиятли меҳнат, албатта, кадрларни ишонч бўлиши керак. Илгари ўқитувчилар, шифокорлар ва маданият арбоблари учун жорий этилган мукофотлар энди оддий ишчиларга ҳам берилди. Бу жуда яхши ташаббус ва бу ёндашув кенгроқ қўлланилиши керак”, деган сўзларига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Масалан, мен ўқитувчиман ва кўп болали оилада катта бўлганман. Оиламизда ота-онам барчамизга ҳалол ва масъулиятли меҳнат ҳақидаги тушунчани яхшилаб ўргатишган. Афсуски, бугунги айрим ёшларимизда айнан мана шу асослар оқсапти. Ишга қизиқиб, ҳар қандай вазифани виждонан ва масъулият билан бажариш керак, деган тушунчалар йўқолиб бораётган эди. Айниқса, касб танлашда адашмаслик керак.

Ёшлар, асосан, меҳнати камроқ, маблағи кўпроқ ишни излашади. Кейин қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаларидаги ишларни

ёқтиришмайди. Кўпроқ идораларда ишлашни хуш кўришади. Ваҳоланки, жамиятимизга оддий касб-хунарлар ҳам жуда керак. Уларга ҳам яхшигина ҳақ тўланмоқда, талаблар кўп. Менга қолса, бугунги ёшларимизни кўпроқ жисмоний меҳнатга

деб биламан. Президентнинг: «Асосийси, ҳар бир фуқаро ўз вазифаларини виждонан, чуқур масъулият ҳисси билан бажаради. Мамлакатимиз тараққиёти йўлида юксакликка эришишининг ягона йўли шу. Халқимиз “Ишнинг кўзини билган, даромад кўзини билади”, деб бежиз айтмаган. Жамиятимизда ҳалол ва масъулиятли меҳнат, албатта, кадрларни ишонч бўлиши керак. Илгари ўқитувчилар, шифокорлар ва маданият арбоблари учун жорий этилган мукофотлар энди оддий ишчиларга ҳам берилди. Бу жуда яхши ташаббус ва бу ёндашув кенгроқ қўлланилиши керак”, деган сўзларига ортиқча изоҳнинг ҳожати йўқ.

Масалан, мен ўқитувчиман ва кўп болали оилада катта бўлганман. Оиламизда ота-онам барчамизга ҳалол ва масъулиятли меҳнат ҳақидаги тушунчани яхшилаб ўргатишган. Афсуски, бугунги айрим ёшларимизда айнан мана шу асослар оқсапти. Ишга қизиқиб, ҳар қандай вазифани виждонан ва масъулият билан бажариш керак, деган тушунчалар йўқолиб бораётган эди. Айниқса, касб танлашда адашмаслик керак.

Ёшлар, асосан, меҳнати камроқ, маблағи кўпроқ ишни излашади. Кейин қишлоқ хўжалиги, саноат соҳаларидаги ишларни

Ҳожар МИРЗАМЕТОВА,
муаллима.

»» Уюшган жиноятчиликка қарши кураш

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ — ҚУДРАТЛИ КУЧ



Туркистон шаҳрида «Жамоат назорати — қудратли куч» мавзuida тадбир ўтди.

ҚР Уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департаменти ташаббуси билан уюштирилган тадбирда вилоят департаменти раҳбари ўринбосари Сабит Асетули, «Жалын» ва «Шаңырақ» ЖБ етакчилари Қурмет Балқибекули ва Сабир Байзаховалар сўзга чиқиб, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича давлат миқёсида

қабул қилинган қонунлар ҳақида изоҳ бериб, ушбу жараён юзасидан жамоатчилик назоратини ташкил этишининг аҳамияти ва муҳимлиги ва моҳиятини тушунтиришди. Тадбир иштирокчилари вилоят ва шаҳар миқёсидаги жамоат ташкилотлари раҳбарлари саволларига атрофлича жавоб беришди.

Р. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.

»» "Оқ олтин — 2024"



Эски Иқон қишлоғидаги Ғалимжан Пернешов раҳбарлик қилаётган «Қазақстан мақта» МЧБнинг пахта тозалаш корхонасига ташриф буюрдик.

Корхона директори, фаол обуначимиз Алишер Аҳмедов пахтакорлар кузнинг ҳар лаҳзасини ганимат билиб, тинимсиз меҳнат қилаётгани, мавсум охирига қадар корхона 5 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси қабул қилишини таъкидлади. Ҳосилдорлик

ҲАР БИР ҚУЁШЛИ КҮН ҒАНИМАТ

ва пахта таннархи ҳақидаги саволимизга тажрибали дехқон А. Аҳмедов қуйидагича жавоб берди.

— Техник жиҳатдан корхонамиз ишга тўлиқ тайёр. Техника хавфсизлигига тўлиқ жавоб беради, қўшимча тайёргарлик тадбирлари амалга оширилди. Пахтакор учун даромад масаласи муҳим. Ҳосилдорликнинг юқори бўлиши ҳамда чигит экилганидан бошлаб сўғориш, ғўзага ишлов бериш, чопиқ қилиш каби жараёнлар оилавий пудрат асосида амалга оширилса — ҳосилнинг таннархи анча арзонлашиб ўзи кўпроқ манфаатдор бўлади. Об-ҳавонинг қулай кунидан самарали фойдаланиш даркор. Кўп йиллар меҳнат қилган Қулдарига Мейрман нафақага чиққанлиги боис корхона



лабораторияси мудираси вазифасини Нилуфар Ҳайдарова давом эттирмоқда. Ҳаммаси Нилуфар Ёқубова билан хирмондаги пахта

хомашёси намунасини лабораторияда текшириб, намлиги ва тозаланиши текширилади. Айни пайтда ҳосил биринчи нав даражасида қабул қилинмоқда, — деди Н. Ҳайдарова.

Далалардан пахта юкланган "оқ олтин" карвони тўтовсиз кириб келаётган корхона ҳовлисида уюлган улкан хирмон олдида тракторчи Ҳакимжон Шерматов ва чилангар Жумадулла Абдуваҳобовлар билан мулоқотда бўлди. "Оқ олтин"ни қабул қилаётган хирмонларда иш қизғин.

Хирмонга барака, кадрли дехқонлар!

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: сафардан лавҳалар.

Муаллиф суратга олган.



ҚИЗ БОЛА — ЭЛ ЗИЙНАТИ

Сайрам туманидаги 92-сонли "Оқсув" умумтаълим мактабида "Эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари" мавзuida сўхбат ўтди. Мактаб директори ўринбосари З. Абдурашидова, катта мураббий С. Мавлонова ва синф раҳбари М. Мирзатоевалар 8-9-10-11-синф қизлари иштирокида эрта ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари мавзuida атрофлича тўхталишди.

Мақсад — усмирларни соғлом турмуш тарзи, оила хотиржамлиги ва кадриятларга ҳурмат муносабатларини шакллантириш эди.

Умуман, халқимизда "қиз болага қирқ уйдан тақик", деган доно ибора мавжуд. Қадимдан ота-боболаримиз қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратган. Кадриятларни асраб-авайлаш, уни ёш авлодга етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз. Қадим анъана ва урф-одатларимизни менсимаслик, демократия, мустақиллик, дея билганини қилиш бу — бизнинг авлод тарбиясига лойқадлик, масъулиятсизликдир. Қиз бола ифпати, ҳаёси, ибоси билан гўзал. Улар келажак авлод давомчилари.

Қиз бола тарбиясидаги нозик жиҳатларга тўхталган ташкилотчилар ҳар бир қиз авлод зиммасига улкан масъулият юклашини таъкидлашди. Шунингдек, эрта ҳомиладорликнинг физиологик, руҳий ҳамда ижтимоий масалалари ҳақида ҳам савол-жавоблар бўлди.

М. УСМОНОВА.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

Ҳар бир истеъмолчининг сифатли маҳсулот, иш ҳамда хизматлар билан таъминланиш тўғрисидаги ҳуқуқи «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ҚР Қонунида кўрсатилган.

Бинобарин, аксарият истеъмолчилар асосий ҳуқуқларини билмайди. Баъзи савдо шохобчаларида «Товар қайтиб олинмайди ва алмаштирилмайди», деб ёзилган эълонларни учратамиз. Аммо аксарият ҳолларда ушбу хабарларга эътибор бермаймиз. Юқоридаги Қонун нуқтаи назаридан, бу сотувчилар томонидан йўл қўйилаётган ноқонуний ҳаракат ҳисобланади. Истеъмолчиларнинг соддалигидан фойдаланган сотувчилар учун бу айни муддао. Шундай экан, азиз истеъмолчилар, ўз ҳуқуқларимизни муҳофаза қилишни ўрганайлик!

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат томонидан сошлаш дастаклари ҚР Ҳукумати, ваколатли орган ҳамда бошқа давлат идоралари ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади. Истеъмолчилар ихтиёрий равишда истеъмолчиларнинг жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ҳуқуқига эга.

Қозоғистон Республикаси истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) томонидан бузилиши натижасида истеъмолчига етказилган маънавий зарар, агар ҚР қонунларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) айбдор бўлса, суд томонидан белгиланган миқдорда қопланиши керак.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тегишли давлат идоралари ва махсус суд идоралари томонидан ўз ваколатлари доирасида амалга оширилади.

Юқорида қайд этилган истеъмолчиларнинг Қонуний ҳуқуқлари билан албатта, танишиш керак. Агар барчамиз бузилган ҳуқуқларимизнинг ҳимоя қилинишини талаб қилсак, балки, шунда сотувчилар расталарга фақат сифатли маҳсулотлар қўйишни бошлар. Энг муҳими, харидингиз учун чек талаб қилинг. Бу судда сизни ҳимоя қиладиган воситадир.

М. АШИМХАНОВА,

Туркистон вилояти бўйича Савдо ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш департаментининг бош мутахассиси.

Ўсмонали Раҳимбой ўғли ҚОДИРОВ

Туркистон вилояти, Тўлебий тумани ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, ҚР ўзбек ЭМБларининг "Дўстлик" ҳамжамияти раиси ўринбосари, Тўлебий туманининг фахрий фуқароси Ўсмонали Қодиров оламдан ўтди.

Ўсмонали Қодиров 1957 йили 18 сентябрда Жанубий Қозоғистон вилояти, Тўлебий туманининг Алишер Навоий қишлоғида туғилган. 1974 йили Ал Форобий номли ўрта мактабни, 1979 йили Низомий номли Тошкент Давлат Педагогика институтининг бадиий графика факультетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. 1979-1981 йилларда шу институтда санъат тарихи ўқитувчиси, 1981-1998 йилларда Тўлебий тумани таълим бўлимида услубиятчи, мактаблар нозир, бўлим мудирининг ўринбосари, 1999-2003 йилларда туман ҳокимининг ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. 2003 йилнинг март ойидан нафақага чиққунга қадар Тўлебий туманидаги "Тогойна" умумтаълим ўрта мактабининг директори вазифасини муваффақиятли адо этди.

Миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашдаги, ёш авлодга таълим ва тарбия беришдаги кўп йиллик хизматлари ҳамда вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожига қўшган ҳиссаси учун "ҚР Мустақиллигининг 10 йиллиги", "ҚР Қуролли Кучларининг 20 йиллиги" юбилей медаллари, ҚХА "Бирлик" олтин медали, вилоят ва туман ҳокимларининг, вилоят ҳамда



туман маслаҳатларининг фахрий ёрликлари, "Туркистон вилоятининг хурмати фахрийси" кўкрак нишони билан тақдирланган. «ССРИ Маорифи аълочиси», «ҚР Халқ таълими аълочиси» кўкрак нишонлари соҳиби.

Халқаро Руҳшунослик фанлари Академиясининг фахрий академиги.

Тўлебий туман жамоатчилик кенгаши аъзоси сифатида жамоат ишларида фаол иштирок этган.

1999 ва 2003 йилларда Ў. Қодировнинг ташаббуси билан Тогойна қишлоғидаги мактаб янгиланиб, қўшимча синф хоналари, кутубхона, ошхона, устахона, тиббиёт хонаси, спорт зали барпо этилди.

Бутун онгли ҳаётини юрт бирлигини мустаҳкамлашга бағишлаган, вилоятимизда халқлар ўртасидаги дўстлик ва тинчликни мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган Ўсмонали Раҳимбой ўғлининг ёрқин сиймоси уни таниган ва билганлар қалбидан узоқ йиллар мобайнида сақланиб қолади.

Ўсмонали Қодировнинг яқинлари, оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдираемиз.

Туркистон вилояти Қозоғистон халқи Ассамблеяси, А. СОВВОЛДИЕВ, Р. ХОЛМУРОДОВ, И. ҲОШИМЖОНОВ, Ф. ҚОРАТОВ, Б. ИРИСМЕТОВ, З. ЧОЛДОНОВ, Р. АЛИБЕКОВ ва барча туман ўзбек ЭМБлари раислари ва вилоят УЭМБ кенгаши аъзолари.

»» Хотира

"ЖОЛАУШЫ" ҲЖНИНГ СОБИҚ РАҲБАРИ ЭДИ

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб Туркистон шаҳридаги жамоат транспортида йўл ҳақи республика миқёсидаги энг арзони бўлиб келди.

Энг аввало, аҳоли учун яратилган ушбу қулайлик "Жолаушы" ҲЖ асосини ва таъсисчиси Рахим Танирбергеновнинг ташаббуси ҳамда Ҳимматидир. 1998 — 2010 йилларда "Жолаушы" МЧБга Рахим Қўлбайулиннинг ўғли Айдар Танирбергенов (тасвирда) самарали раҳбарлик қилиб, падари бузрукворининг Ҳимматли ташаббусини давом эттирди.

Айдар Раҳимули 1977 йили 23 февралда Туркистон шаҳрида туғилган. Шаҳардаги Ф. Муратбаев номли ўрта мактабдан сўнг А. Яссавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетининг иқтисодий факультетини "Халқаро иқтисодий муносабатлар" ихтисослиги бўйича тахсил олди. Меҳнат фаолиятини Туркистондаги йўловчилар ташиш автокорхонасида чилангарликдан бошлади. Қобилияти, билими, ташкилотчилиги эътиборга олиниб, чилангарликдан ёнилғи қуйиш оператори, сўнг меҳнат ва иш ҳақи бўлими муҳандиси сифатида меҳнат қилди. 1996 йилдан Туркистон шаҳар ҳокимлиги қошидаги автотранспорт департаменти раҳбари, 1998 йилдан "Жолаушы" ҲЖ ижроия директори, сўнг 2002 йилгача "Жолаушы" ҲЖнинг президенти бўлиб фаолият юритди. Туркистон шаҳар маслаҳатчининг депутаты этиб сайланган. 2010 йили баҳоридан "Қобланды — 778" МЧБ қурилиш компанияси, 2013-2024 йиллар оралиғида "Қайырлы Зат Қўрылы" МЧБ директори лавозимида Туркистон шаҳри ободончилиги ва қурилиш соҳасига муносиб ҳиссасини қўшди. Меҳнати муносиб баҳоланган. Умр йўлдоши Айгул билан тўрт фарзанд тарбиялаган. Уч неварга оила қувончи. Айдарнинг ёрқин хотираси уни таниган ва қадрлаган барча дўстлар, ҳамкасблар ҳамда ҳамюртлари қалбидан сақланиб қолади.

Ш. МАДАЛИЕВ.

ҚР Парламент Сенати депутаты Алишер Сотволдиев жамоат арбоби, «Дўстлик» ҳамжамияти раиси муовини, Тўлебий туман УЭМБ раиси

Ўсмонали ҚОДИРОВ-

нинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор этади.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Тўлебий туман ўзбек ЭМБ раиси, ҚР ўзбек ЭМБлари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси ўринбосари

Ўсмонали ҚОДИРОВ-

нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор қилади.

"Ижодкор" адабий бирлашмаси аъзолари жамоат арбоби, Қозоғистон ўзбеклари "Дўстлик" ҳамжамияти раиси муовини, Тўлебий туман ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси, фахрий устоз

Ўсмонали ҚОДИРОВ-

нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ёру биродарларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор этади.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти таниқли устоз, Манкент қишлоғидаги Ш. Рашидов номли мактабнинг собиқ директори, газетамиз жонкуяри

Мақсадқул ҲАКИМБЕКОВ-

нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор этади.

«Жанубий Қозоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти Туркистон вилояти ва шаҳрининг фахрий фуқароси, бир неча қаҳриқ вилоят маслаҳатчининг собиқ депутати, «Жолаушы» МЧБ асосчиси, муассиси, фаол обунча Рахим Қўлбайули Танирбергеновга ўғли

Айдар Раҳимули-нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изхор қилади.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

»» Обуначиларимиз орасида



САНОАТ КОРХОНАЛАРИ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРАДИ

“Иасси” қишлоқ округи ҳудуди вилоят маркази Туркистон шаҳри билан тутшиб кетган. Қишлоқ ҳокими, обунда фаол жонқуяримиз Сиздиқ Пирметов (тасвирда) билан суҳбатимиз етти гектар ҳудудда ташкил этилаётган саноат минтақаси истиқболи хусусида бўлди.

– Саврон тумани ҳокими Мақсат Тангатов ташаббуси билан қишлоғимизда саноат минтақаси барпо этилмоқда. Яъни, мебелсозлик, пластикдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари барпо этилиб, ишга туширилади. Бугунгача жами 12 тадбиркор ушбу саноат минтақасида корхоналарини рўйхатдан ўтказишди. Режага кўра, 50дан зиёд янги иш ўринлари яратишни режалаштиряпмиз. Ноябрь ойида 600 ўринли замонавий янги мактаб ишга тушади, – деди қишлоқ ҳокими.

Ш. МАДАЛИЕВ.
Муаллиф тасвири.

ЖУРНАЛИСТЛАР САЙРАМ ТУМАНИДА



Вилоятимизда фаолият юритувчи даврий нашрларнинг раҳбарлари ва журналистлари, жумладан, ҚР Журналистлар уюшмасининг вилоят филиали раиси в. б. М. Даулетов, “DIDARBEK.kz” ахборот агентлигининг директори А. Ассенди, “Жас алаш” газетасининг вилоятдаги муҳбири Б. Даут,

“Шымкент келбет” газетасининг муҳаррири Б. Тайжан, “Өзге пікір” газетасининг бош муҳаррири Ш. Мўлдабек, “Жанубий Қозоғистон” вилоят газетаси директор-бош муҳаррири Р. Алибоев, “Минтақавий алоқалар хизмати” бўлими раҳбари Т. Байтас ва ходими Қ. Карибаев, “Туркистан” газетасининг муҳбири Д. Тилеуханлар Сайрам туманига ташир буюриб, “Исфижоб” МЧБга қарашли “Мартўбе”, “Сайрам садоси”, “Пульс Сайрама” газеталари ходимлари билан мулоқотда бўлишди.

“Исфижоб” МЧБ директори А. Умаров меҳмонларни тахририят фаолияти билан таништирди. “Бугунги кунда жамоада ўн ходим ишламоқда, – деди у. – “Мартўбе” – 1600, “Сайрам садоси” – 2500, “Пульс Сайрама” – 600 нусхада чоп этилмоқда. Жорий йилга 8 миллион тенге миқдорида давлат буюртмаси олганмиз. Учта газета учун бу маблағ етарли эмас. Ходимларимизнинг маошлари ҳам кам...”

Тадбир давомида медиасаводхонликни ошириш борасидаги ОАВ ходимларининг роли, ахборот соҳасида фаолият юритаётган журналистларнинг малакасини ошириш, туман ва шаҳарлардаги ОАВларнинг давлат буюртмасини олишга эришуви ҳамда ижросидаги тажрибаларни ўрганиш, ахборот тарқатишда анъанавий ОАВ ва медиакондаги замонавий услубиятларни қўллаш ҳамда рақобатбардошликни ошириш каби долзарб масалалар муҳокама қилинди.

ҚР Журналистлар уюшмасининг вилоят филиали раиси в. б. М. Даулетов мазкур тадбирнинг аҳамиятини таъкидлаб, бундай учрашувлар йил охиригача барча туманларда давом этишини таъкидлади.

З. МҮМИНЖОНОВ.

Тасвирда: тадбирдан лавҳа.

»» Маориф

ҲАР СОҲАДА ПЕШҚАДАМ

Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги “Сайрам” коллежи ўрта бўғин тиббиёт мутахассисларини тайёрлайдиган пешқадам таълим масканларидан бири. 17 йилдан буён фаолият юритаётган коллежда шу кунгача билим олган 5 мингдан зиёд мутахассислар мамлакатимизнинг турли бурчакларида меҳнат қилишмоқда. Қўйида муассаса директори Жанара Баймағамбетованинг муҳбиримиз билан суҳбатини эълон қилмоқдамиз.



– Суҳбатимизни жорий йилдаги янгиликлардан бошласак...

– 2007 йили тамал тоши қаланган илм масканида ҳозирги кунда 1300дан зиёд талаба таълим-тарбия олмоқда. Жорий йили коллежимизга 380 нафар талаба қабул қилинди. Битирувчиларимиз Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларида меҳнат қилишмоқда. Жумладан, жамоамизнинг Ўзбекистоннинг Фарғона, Элликқалъа, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги етакчи тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани ҳам таъсирли сазовордир.

Таъкидлаш жоиз, ўқув даргоҳининг муассиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор Амирхан Баймағамбетовнинг саз-ҳаракатлари билан жа-

моа аъзолари самарали натижаларга эришмоқдалар.

Бугунги кунда коллежда “Лаборатория диагностикаси”, “Фармация”, “Тиббиёт ҳамшираси”, “Даволаш иши”, “Стоматология” каби бешта ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Уни тугатган барча талабаларга “Клиника амалиёти мутахассиси” сертификати, шунингдек, “Даволаш иши” ихтисослигини тамомлаганларга “Фельдшер” ва “Тиббий ҳамшира” гувоҳномалари ҳам берилди.

– Албатта, малакали тиббиёт мутахассислари жамиятимиз учун зарур. Айниқса, ушбу соҳа учун тайёрланаётган кадрларнинг маънавий қиёфаси, ахлоқ-одоби ва тарбияси ҳам муҳим. Бу борадаги ишларга тўхталсангиз...

– Шу кунларда ноябрь ойи-

да нишонланадиган анъанавий “Талабалар кун”га тайёрлик кўрмоқдамиз. Шунингдек, коллежимизда жамоат арбоблари, меҳнат фахрийлари, таниқли ижодкорлар, атоқли спортчилар билан турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар уюштирилади. Масалан, яқинда “Сайрам” коллежи раҳбарияти тақлифи билан Ўзбекистон Республикасининг Алмати шаҳридаги Бош консулхонаси консуллари Эркин Абдуқаюмов ва Дилшод Собиров, ҚР Парламент Мажлисининг собиқ депутаты, жамоат арбоби Фахриддин Қоратов, меҳнат фахрийлари Турсунхўжа Хонхўжаев, Ҳамроқул Давронбеков, Султонниёр Ёрматов, таниқли спортчи Тўймурод Эшимов, тадбиркорлар Толиббой Ниёзхожиев, Мирдиёр Маҳкамбоевлар билан учрашув ўтди. Тадбирдан

қўзланган мақсад – қозоқ ва ўзбек халқларининг дўстлигини тараннум этиш, ёш авлодни байналмилал руҳда тарбиялаш эди.

Бундай тадбирларни ташкил этишда ота-оналар кўмитасининг ёрдами катта. Маънавият фойдалари – жамоат арбоби Ф. Қоратов, таниқли суҳбатдон А. Хонхўжаев, фахрий устозлар С. Ёрматов, М. Қодиров ва Ҳ. Дўсматов, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси З. Мўминжоновлар коллежнинг кундалик ҳаётида фаол иштирок этишмоқда.

– Жамоангиз ҳар йили обунда нашримизни қўллаб келади. Бунинг учун улкан миннатдорчилик изҳор эта-миз!

– Албатта, талабаларимиз “Жанубий Қозоғистон” газетасини севиб ўқишади. Халқлар дўстлигини тараннум этувчи, тарихий мавзудаги, шунингдек, маънавият масалаларига бағишланган мақолалар қизиқарлидир. Келгуси йилга жонажон нашримизга 100дана обунани расмийлаштирамиз.

– Суҳбат учун ташаккур! Билимли ва малакали ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаб, эл орасида обрў-эътибор қозонаётган “Сайрам” тиббиёт коллежи жамоасига улкан зафарлар тилаб қоламиз!

З. МҮМИНЖОНОВ
суҳбатлашди.

ЭКОТУРИЗМ САЙЁҲЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Туркистон вилоятида экотуризм ривожланмоқда. 2024 йилнинг 9 ойи якунига кўра, табиий ҳудудларга ташир буюрувчилар сони 109,5 минг нафарни ташкил этди.

Туркистон вилоятида жойлашган алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда сайёҳлик ва рекреация мақсадларида 30та сайёҳлик йўлаклари ва йўналишлари ташкил этилган. Минтақанинг сайёҳлик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари 3 йўналишда амалга оширилмоқда. Улар – тарихий-маърифий, даволаш-соғломлаштириш ва экологик туризм кластерлари. Минтақанинг тоғли ҳудудда жойлашгани туризм салоҳиятини ошириш имконини бериши.

Улардан бири “Сайрам-Ўғам” давлат миллий боғи ҳудудидир. Боғдаги 17519 гектар (умумий майдоннинг 11,7 фоизи) дам олиш ва сайёҳлик фаолияти учун ажратилган ҳудуд ҳисобланади. Ушбу ҳудудда ташир буюрувчилар учун 11та пийда юриш йўллари ташкил этилган. Айни пайтда боғ ҳудудида умумий майдони 343,2 гектар бўлган 29та ер участкаси сайёҳлик ва соғломлаштириш мақсадлари учун фойдаланишга топширилган.

Миллий боғ ҳудудида 7та меҳмонхона, битта овчилар учун мажмуа, 6та ҳаммом ва 94та жиҳозланган дам олиш маркази, 38та автотурагоҳ, 48та санитария иншооти ташир буюрувчиларга хизмат кўрсатади. Айниқса, ёз ойларида бу жойларга талаб ортади.

Туркистон вилояти ҳокимлиги, вилоят маданият ва туризм бошқармасининг “Очиқ Туркистон” сайёҳлик ахборот маркази ҳамда «Miras Legion» туристик-спорт

мажмуаси кўмагида “Сайрам-Ўғам” давлат миллий табиат боғида кўплаб маърифий тадбирлар ўтказилмоқда. Шулардан бири – вилоятнинг алоҳида муҳофаза этиладиган ва тоғли ҳудудларида фаол экотуризмни ривожлантириш, минтақа табиатини тарғиб қилиш, экологик саводхонлик ва саёҳат маданиятини юксалтириш, аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ундаш, ёшларни табиатни севишига қадрлашга, табиат бойлиқларини асраб-авайлашга ўргатиш мақсадида уюштирилган “Туркистон тоғлари” экотуризм фестивали.

– Мамлакатимизда жонли табиати, мусофиро ҳавоси, бир-биридан гўзал манзаралари билан сайёҳларни ўзига жалб этадиган масканлар кўп. Zero, энг қадимги тамаддун ва маданиятлар чорраҳасида жойлашган Қозоғистон туризм жозибадорлиги жиҳатидан дунёдаги санокли давлатлардан бири саналади. Туркистон вилояти туризм салоҳиятига устувор аҳамият қаратаётган ягона минтақадир. Вилоят ҳудудида 4та алоҳида муҳофаза этиладиган табиат иншооти мавжуд. Улар – “Ақсу-Жабағли” ва “Қоратов” қўриқхоналари, шунингдек, “Сайрам-Ўғам” миллий табиат боғи ва “Сирдарё-Туркистон” ҳудудий табиат боғи. Экологик туризмни ривожлантириш мақсадида инфратузилмани янгилаш ва таъмирлаш ҳамда сайёҳлар учун меҳмонхоналар қуришга зарур ер майдонлари ажратилмоқда. Бу, ўз навбатида, экосайёҳлар оқимини кўпайтиради. Мамлакатимизда узлуксиз экологик таълим тизимини самарали йўлга қўйиш орқали аҳолининг экологик маданиятини

ошириш мумкин. Ёшларда экологик маданиятни шакллантирмай туриб, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасига сарфланаётган ҳар қандай маблағ билан муаммоларни бартараф этиб бўлмайди. Чунки ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат табиий бойлиқлари билан, биринчи навбатда, ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан қудратлидир. Шу боис, юксак маънавиятли халқимиз Она Ватанини ва Она табиатни асраш – муқаддас бурч эканлигини доимо эътироф этиб келган, – дейди “Сайрам-Ўғам” ноҳукумат ташкилоти раҳбари А. Абдешов.

– Экотуризм – табиий туризм бўлиб, табиат муҳитини ҳосил қилиш ва тушунишни ўз ичига олади. Экотуризмга қизиқиш ҳақиқий сайёҳлик тажрибасига талаб ошиб бораётгани ҳамда табиатни қўриқлашга қизиқиш кучаяётгани туфайли пайдо бўлди. У табиий, маданий ва ижтимоий қадриятлар билан мослашадиган ҳамда маданиятга эга табиий иншоотлар ва мажмуалар табиатни муҳофаза қилиш, илмий ва маданий мақсадларда сақлаб қолиш ҳамда улардан фойдаланиш учун мўлжалланган. Мазкур боғ Маркази Осиёнинг энг ноб, хушманзара ҳудудларидан бири.

А. АБДУФАТТОҲ.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ,
Авазжон БУРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саврон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22.

Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.

Қазигурт – Хуршид ҚУЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.

Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90

Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.

Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97

Келес, Саригоҳ – Малика ЭЛТОВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий
газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўрилиги учун муаллифлар, рекламга ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 гувоҳнома берилган.
“ERNUR” print” МЧБ Ўзбекистонда чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:
160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 11000 нусха.

Биринчи
2562.

Набатчи муҳаррир: Мунира САЪДУЛЛАЕВА.